## Фидойи инсонлар

# Лазиза АКБАРОВА: «АЁЛ — БУНЁДКОР...»

ЮГУРИК ЗАМОН билан ҳамқадам бўлиш — гарчанд, бу бизнинг бурчимиз мисоли табиий ҳолат саналиши лозим эса-да, — осон эмас. Айниқса, аёл кишига.

Бунинг устига, мустақилликда кечган беш йил, бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтаётган давримиз кўпчилигимизнинг дунёқарашимизни остин-устин қилиб юборди. Албатта, дейлик, илгари давлат бериб турган озгина маошга қаноат қилиб яшаган, «чириб бораётган» капитализмнинг ўзи бунёд этган гўрковини мадҳ этиб қўйиш билан кифояланган оддий фуқаро учун замон эврилишларини ҳазм қилиш осон эмас. Йиллар, ўн йиллар давомида тикланган мафкура қўрғони бир зарбада кунпаякун бўлиб кетмайди ахир. Бунинг учун ҳам ташқи омил — дейлик, замон талаби, ҳам ички омил — кўнгил эҳтиёжи биргаликда кураш олиб бормоғи лозим шекилли.

Ёзувчиларимиздан бири ўтиш даври талотўпларида ўз ўрнини излаётган зиёлилар фаолиятини «мослашув жараёни» деб атайди. Биз бу тушунчани янада кенгайтириб, «англаш ва ҳис қилиш» жараёни деб ҳам аташга мойилмиз. Зеро, англаш ва ҳис қилиш — онг ва юракнинг ҳамкор—ҳамнафаслигидир. Онг ва юрак бирлиги эса — бамисоли қўш қанотдай — тафаккур ва ижодий фаолият жараёнларининг ҳаракатлантирувчи, таъбир жоиз бўлса, парвоз эттирувчи асосий унсурларидир.

Биз бугунги кунда номи дунёга танилган аёлларни тилга оладиган бўлсак, саноғимиз узоқ давом этгуси. Булар: Тансу Чиллер, Беназир Бхутто, Хиллари Клинтон...

Аёл ҳар жойда ҳам аёл. У инстинктив тарзда ўз ҳамжинсига талпинса керакки, сайёрамизнинг деярли барча нуқталарида аёллар қўмиталари, халқаро аёллар ташкилотлари иш олиб бормоқда. Аёллар дунё миқёсида конгресслар, анжуманлар уюштирмоқдалар, ўзларининг келгуси беш, ўн, ҳаттоки ўн беш йиллик фаолият йўналишларини белгилаб олмоқдалар.

Истиқлол шарофати боис республикамиз аёллари ҳам жаҳон миқёсига чиқдилар. Зеро ўзингизга-да яхши маълум, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раисаси айни пайтда Бош Вазир ўринбосари ҳамдир. Туманларда, вилоятларда эса қўмиталар раислари бевосита ҳокимларнинг муовинларидир. Ҳеч бир мамлакатда аёлларга ҳукумат даражасида бунчалик эътибор, ғамхўрлик кўрсатилмас. Зукко Нодиранинг, мард Қурбонжон додхонинг авлодлари ўз салоҳиятларини тўла намоён этмоқ учун имконият бисёр. Гап имкониятларни ишга солишда қолган, холос.

Лазиза АКБАРОВА ана шундай имкониятлардан самарали фойдаланиш учун ўзида куч, билим, матонат, сабр-тоқат, иштиёқ топа билган фидойи ўзбек аёлларидан бири.

Лазиза опа анча йиллардан буён Тошкент вилоят ишлаб чиқариш консернини бошқаради. Консерн таркибида оз эмас, нақ 23 та хусусий корхона бор.

Ушбу жумлаларни ўқиган ўқувчи, эҳтимол, корхоналар хусусий бўлса, унга раҳбарлик на ҳожат, ахир бозор — эркинлик дегани эмасми, қабилида савол ҳам берар. Аммо, бозор фақат эркинликнигина эмас, балки ҳамкорликни ҳам талаб қиларкан. Ахир, қачон ёлғиз отнинг чанги чиққан. Бирлашганда эса қудрат ҳам ошади, имконият ҳам. Бунинг устига консерн таркибидаги барча корхоналар маҳаллий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадилар.

— Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг бизда ўз маҳсулотларимизни жаҳон бозорига олиб чиқиш истаги пайдо бўлди, — деб ҳикоя қилади Лазиза опа. — Ўша пайтлари қизларимиздан бир гуруҳини Хивага обориб товусдай товланувчи Хоразм гиламларини тўқиш санъатини ўргатдик. Сўнг Россиядан турли пайпоқлар тўқийдиган станоклар олиб келдик. Хуллас, ишладик...

«Ишладик...». Албатта, бу сўз замиридаги яширин машаққатларни, чекилган изтиробларни, барча қийинчиликларни бошидан ўтказмаган одам тасаввур қилиши мушкул.

Бироқ опа қийинчиликлар ҳақида кўп сўзлашни ёқтирмайди. Унга эришилган муваффақиятлар, самаралар муҳим.

Ютуқлар эса тилга олишга, фахрланишга арзигулик. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида консерн 60 миллион сўмликка яқин халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарди. Яна денг, бу маҳсулотларнинг деярли барчасининг бозори чаққон. Ахир қайси ўзбек хонадони рўзғор буюмларини олмайди, қайси тўй-базм тикувчилик маҳсулотларисиз ўтади.

Дарвоқе, сал кечикиб бўлса-да, опани юксак мукофот билан қутладик. Гап шундаки, бундан роппа-роса 50 йил муқаддам Италияда «Олтин олма» деб аталувчи халқаро соврин таъсис этилган. Бу соврин яратилишига эса Марина Белезарева бошчилигидаги аёллар корхонаси сабаб бўлган экан. Бу корхона Италия иқтисодининг юксалишига, давлатнинг жаҳонда ривожланган давлатлар қаторига қўшилишига ўзининг катта ҳиссасини қўшган. Ўтган йили бу соврин АҚШ Президентининг рафиқаси Хиллари хонимга насиб этган экан. Бу йил эса Лазиза Акбаровага...

Лазиза опа Италия таассуротлари ҳақида тўлқинланиб гапиради. Ўзини бу совринга тавсия этган республикамиз тадбиркор аёллар уюшмасига ўз миннатдорчилигини билдиради.

Шу билан бир қаторда опа халқаро совринни аванс сифатида қабул қилганини, ҳали кўп эзгу ишларини амалга ошириш ниятида эканини ҳам яшириб ўтирмайди.

— Биз ҳақиқий бозор иқтисодига мана энди кириб бормоқдамиз. Бундан тўрт-беш йил муқаддам рўй берган маҳсулот танқислиги энди ортга қайтмас бўлиб ўтиб кетди. Бизда энди танлаш, чертиб-чертиб, сайлаб олиш имконияти пайдо бўлмоқда. Айтайлик, ўша пайтлари биз Хитойнинг арзон молларига ишқибоз бўлсак, ҳозир эса Англиянинг ёки Швейцариянинг сифатли маҳсулотларини олаяпмиз. Шундай экан, биз ҳам жаҳон бозорига ўзимизнинг миллий ҳамда ўта сифатли молларимиз билан чиқишимиз лозим. Жаҳон бозори алдовни ёқтирмайди ҳам, кечирмайди ҳам. Бундай йўл билан бозорга чиқмоқчи бўлган одам кўрса бир марта фойда кўради, кейин эса зарардан боши чиқмаслигига иймоним комил. Биз жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларнинг рекламасини йўлга қўйиш, оқибат натижада бозорда яхши баҳога сотиш хусусида кўп гапирганмиз-у, аммо бу борада ишлар кўнгилдагидек деб бўлмайди-да. Бозор иқтисодининг ўз қонунлари бор, ахир. Унда бошбошдоқлик, ўзибилармончилик кетмайди. Биргина маркетинг, яъни бозорни ўрганиш ва бошқариш атамасини олинг. Шу атама ҳақида соатлаб гапириш мумкин...

Мана, Италия. У ердаги ишлаб турган корхоналарнинг 95 фоизи ўрта, кичик корхоналардир. Улар харидор талабини тез илғаб оладилар ва шунга яраша маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Ҳолбуки, Италия бизнинг республикамиз сингари хом ашё ва табиий ресурсларга бой эмас. Агар уларда шундай имкониятлар бўлса, эдими... Демак, биз олдимиздан оққан сувнинг қадрига етмоғимиз, бу табиатнинг неъматларидан самарали фойдаланмоғимиз ҳам керак-да...

Л. Акбарова пойтахт вилояти тадбиркор аёллар уюшмаси раисаси сифатида ҳам бир қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда.

— Ҳисобларга қараганда, аҳолининг 51 фоизини аёллар ташкил қиларкан. Бу жуда катта куч. Мана шу кучни керакли ўзанга буриб, фойдалана билсак эди, мамлакатимиз гуллаб-яшнаб кетарди... Мен баъзан ўйланиб қоламан. Ҳурматли Президентимиз куйиб-пишиб, ёниб юртдошларимиз онгига «ишбилармонлик уруғи» тушишини истаб, жон куйдирмоқдалар. Менинг назаримда, биз Президентимиз айтганларининг атиги ўн фоизини бажарсак эди, иқтисодда шундай сакраш рўй берар эдики, уни фақат «ўзбек мўъжизаси» деб атабгина изоҳлаш мумкин бўларди-ёв...

Ҳали айтганимиздай, Лазиза опа кам гапириб, кўп ишлайдиган раҳбарлар тоифасидан экан. Чунки суҳбатимиз учун ажратилган ўн дақиқа мобайнида у кишининг эшиги олдида турнақатор навбат пайдо бўлди, эшикдан бош суқиб, соатга ишора қилганлар ҳам бўлди. Ноилож, опадан юрагининг тўрида асраб келаётган бирон-бир орзуси ҳақида сўраб, суҳбатни тезроқ якунлашга қарор қилдик.

— Орзуйимми? Орзу кўп. Лекин энг асосийси, мен истардимки, жонажон Ўзбекистонимизда ишбилармон аёллар учун, йўқ-йўқ, умуман хотин-қизлар учун, алоҳида бир жамғарма очилса. Токи бу жамғарма фақат аёллар фаолияти манфаати йўлида хизмат қилиб, ортиқча қоғозбозликларсиз, сансалорликларсиз, мисол учун, кредит масалаларини ҳал қилиб берса. Ишонаверинг, аёллар бунёдкор, жуда тежамкор ва пухта бўлишади. Аёллар учун тузилган махсус жамғарма тез орада ўзини оқлаб, давлатимизга фойда келтиришига, энг муҳими — истиқлолимизга, буюк келажагимизга хизмат қилишига менинг сира шубҳам йўқ!..

**Гулчеҳра МУРОДАЛИЕВА,**
**махсус мухбиримиз**

# АФҒОНИСТОНДА ТЕМУРИЙЛАР МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Ҳозирги Афғонистон қадимий Хурсоннинг асосий қисми сифатида турли халқлар, жумладан, тожиклар, ҳазорлар, аймоқлар, балучлар, паштунлар ва туркий халқлар, чунончи, ўзбекларнинг муштарак ватани бўлиб келган.

Тарихий манбалар гувоҳлик берадики, Афғонистонда туркий халқлар бундан ўнлаб асрлар муқаддам яшаб келиб, ўзларидан унутилмас ёдгорликлар қолдирганлар. Масалан, кушоний жабғулар, яъни хоқонлар давридан қолган ажойиб ҳайкаллар, мустаҳкам деворлар, қалъалар харобалари, қимматбаҳо тангалар. Шибирғон шаҳри «Тилла тепа»сидан топилган 22 минг парчадан ортиқроқ олтин буюмлар, безаклар, белбоғлар, ҳайкал ва аравалар, қимматбаҳо жавоҳирлар, мазкур давлатнинг жаҳон тамаддунига қўшган бебаҳо ҳиссаси ҳисобланади. Археологлар «Тилла тепа»дан топилган нафис ёдгорликларни Миср Фиръавни Тутанхамун (милоддан аввалги XIV аср) давридан қолган ёдгорликлар билан тенг туради ва бошқа ҳеч бир мамлакатда бундай қимматли ва турли маданиятларни акс эттирувчи ёдгорликлар топилган эмас, деб таъкидлаганлар.

Шунингдек, ҳайталлар ё ҳаётила, яъни яфталийлар ёки яфталийтлар давлати, оқ хунлар анъаналарининг давомчилари сифатида, 8-асрда Афғонистон шимолий соҳаларида, 30 та амирликдан таркиб топган «Тагиншоҳийлар» туркий давлати (М. Ғубор ва А. Ҳабибий) бизнинг халқимиз Афғонистон ҳудудида қанча қадимий тарихга эга эканлигидан далолат беради.

Ҳозир Афғонистонда яшовчи тўрт миллионга яқин туркий халқлар, жумладан, уч миллионга яқин ўзбеклар, этник жиҳатдан ўша қадимий туркий халқларга бориб тақалади. Машҳур афғон муаррихи А. Ҳабибий Сабуктагин ўғли Маҳмуд сулоласини ўша Тагиншоҳийлар сулоласидан келиб чиққан деб фикр юритади. Айтиб ўтилган сабабларга кўра Афғонистон шимолий вилоятлари (Бодғийсдан тортиб Бадахшонгача), тарихий манбаларда, Туркистон, Жанубий Туркистон, Туркистони сағийр (кичик Туркистон) ва Туркистони афғоний деб аталиб келган. Мазкур номларни биз Афғонистон давлатининг расмий тарихчиси Файз Муҳаммад Котиб Ҳазора ёзган ва афғон подшоҳи Амир Ҳабибуллохон назаридан ўтгандан кейин нашр этилган машҳур асар «Сирожит-таворих» (тарихлар қуёши) китобининг турли жойларида яққол кўрамиз. Чунончи, муаллиф биринчи жилднинг тўққизинчи бетида америкалик генерал Юс Фандикдан нақл қилиб, Жанубий Туркистоннинг ҳудудини қуйидагидек кўрсатади: «Амударё жанубида жойлашган Бадахшон, Тохористон ва Балхдан иборатдир». Ҳозирда ушбу соҳа саккиз вилоятга бўлинган.

Шунингдек, Амир Амонуллахон даврида (1919—1929) «Афғонистон асосий ташкилоти низомномаси») яъни қонунининг 204-моддасида, ҳозирги Балх, Жузжон, Сарпул ва Самангон вилоятлари, «Туркистон вилояти» деб аталган. («Низомнома», Далв ойи, 1305 йил, Ширкат Рафиқ босмахонаси — Қобул. 104-бет).

Афғонистон турки халқлари, жумладан, ўзбеклар тарих жараёнида ўлка тараққиёти ва маданият ривожи учун ўз улушларини қўшиб келганлар. Масалан, IX асрдан, XII асргача Шарқ уйғониш даврининг биринчи босқичи ҳисобланган муддат жараёнида, X асрнинг иккинчи ярмидан XII асргача ғазнавийлар туркий сулоласи қурган буюк салтанат ҳудудида, илму маданият барқ уриб ривожланди. Юзлаб олим ва шоирлар унинг ҳимоясида яшаб ижод қилдилар. Хоразмлик Абу Райҳон Беруний каби буюк аллома ўзининг мангу ва барҳаёт асарлари «Ал-Қонун-ал-Масъудий» «Китобул-Ҳинд» ва «Ас-Сайдана» номли китобларини ёзиб жаҳон маданиятига қўшди. «Исломий давлатлар тарихи ва ҳукумат қилган оилалар» китобининг иқтидорли муаллифлари таъкидлашича, ўша даврда Осиё мамлакатларининг ҳеч бир пойтахти, Ғазна шаҳрининг илмий даражасига кўтарила олмаган эди. (мазкур китоб, 2-жилд, 497-бет).

Шарқ Уйғониш даврининг иккинчи босқичи бўлмиш темурийлар даврида соҳибқирон Темур асос солган йирик давлат, фан ва маданият ривожи учун муносиб шароит яратиб берди. Темурийларнинг ҳар иккала пойтахти (Самарқанд ва Ҳирот) дунё илм-фанининг марказларига айланди.

Жаҳон тарихчилари ва олимлари, жумладан, машҳур тадқиқотчи ва адабиётшунос олим доктор Забиҳулло Сафо фикрича, улкан салтанатнинг иқтидорли асосчиси Амир Темур фан ва санъатсеварлик хусусиятлари билан нафақат ўз сулоласини тарбиялади, балки унинг ўзи (амалда) ушбу йўлнинг асосчиси бўлди. Шунингдек, мазкур муаллиф «илму адабиёт ва санъатга шайдолик темурий шоҳлар ва шаҳзодаларнинг табиий хислати ва улар шахсиятининг ажралмас қисми деб ўйлайсан»,. деб таъкидлайди.

Қадимий Хуросон — ҳозирги Афғонистон ҳудудида, темурийлар маданияти, Шоҳруҳ Мирзо, Гавҳаршод бегим, Султон Ҳусайн Бойқаро, Алишер Навоий ва Бобур Мирзо раҳбарлигида гуллаб яшнади ва юксак тараққиёт поғоналарига кўтарилди.

Ҳозирги Афғонистон ҳудудида темурийлар даврида фан ва адабиёт ривожи билан бир қаторда, моддий маданият ҳам юксак тараққий этди. Айниқса, Ҳирот шаҳрида, Шоҳрух Мирзо, Гавҳаршод бегим, Ҳусайн Бойқаро ва Навоийдан қолган меъморий обидалар, темурийлар маданиятига хос бўлган услубда яратилган эди. Лекин улардан айримлари турли таассублар ва ёвузликлар қурбони бўлди. Қолганлари ҳозирча ҳам кўзларни қамаштириб туради. Улардан баъзилари ЮНЕСКО ҳимояси остига олинган.

Ушбу тарихий ёдгорликлар ҳақида афғон муаррихлари, жумладан, профессор Абдулҳай Ҳабибий ўзининг қимматли асарлари «Темурийлар даврининг санъати», «Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ» ва «Афғонистон ҳинд кўрагонийлари даврида» номли китобларида ва М. F. Ғубор «Афғонистон тарих ўзанида» номли китобида, шунингдек, устод Халилий маълумотлар бериб ўтганлар. Биз қуйида турли манбалар ва ўз кузатувларимиздан фойдаланган ҳолда, уларнинг айримлари ҳақида қисқача ҳикоя қилиб ўтамиз:

**1. «ҲИРОТ АРКИ» (ИХТИЁРИДДИН ҚАЛЪАСИ).** Шоҳруҳ Мирзо томонидан қайта қурилиб, тош ва пишиқ ғиштлар ишлатилиб шукуҳли обидага айлантирилган ушбу қўрғон, жуда кўп тарихий ҳодисалар гувоҳи бўлиб келган. Бундан чамаси 35 йил муқаддам унинг ичида қурилган чиройли ҳарамсарой атайлаб буздирилиб, охирги урушларда қалъанинг баъзи бир деворларига зарар етган.

**2. «ГОЗАРГОҲ».** Хожа Абдулло Ансорий (Пири Ҳирот) мақбараси атрофида Шоҳруҳ Мирзо томонидан қурдирилган масжид ва мақбаралар мажмуаси ва улар устидан ўрнатилган ажойиб тош лавҳалар. Мазкур тош лавҳалар орасида «Санги ҳафт қалам» (етти ёзув билан ёзилган тош) ўзининг ҳайратлантирувчи хусусиятлари билан, дунёнинг энг ажойиб нафис асарларидан бири ҳисобланади. Унинг узунлиги тахминан икки метр, эни 60 см ва баландлиги ҳам шу андозага яқин туради. Тош, яхлит бир парча қора гранитдан иборат бўлиб, Ҳусайн Бойқаро буйруғига биноан бир мўъжизакор сангтарош уни 13 йил давомида йўниб тайёрлаган экан. Темирдек қаттиқ тошнинг атрофида қуръон оятлари ва ҳадислар етти хил араб ёзуви, яъни насх, настаълик, риқъа, сулс, райҳоний, кўфий ва девоний хатларида сеҳрли безаклар билан қўшиб ёзилиб, султон буйруғига биноан Мўмин Мирзо қабрининг устига қўйилган экан.

**3. ҲИРОТ БУЮК ЖОМЕ МАСЖИДИ.** Минглаб кишилар учун мўлжалланиб, Навоий ва Ҳусайн Бойқаро томонидан қайта қурилган ушбу масжид унда ишлатилган ажойиб кошинлар ва безаклар билан, салобатли ва нафис бир обида ҳисобланади.

**4. «МУСАЛЛО» ЖОМЕ МАСЖИДИ**, Гавҳаршод бегим жоме масжиди ва мадрасаси. Темурийлар даврининг ҳашаматли ва ниҳоят чиройли ёдгорликларидан ҳисобланган ушбу обидалар XIX асрда Амир Абдураҳмонхон буйруғи асосида инглиз генерали Лемис томонидан динамит билан портлатилган. (М. F. Ғубор. Афғонистон тарих ўзанида. 684 бет). Ҳозирча улардан фақат Гавҳаршод бегим мақбараси ва бешта минора қолган.

**5. ҲИРОТ ГОЗАРГОҲИДА «НАМАКДОН»** деб аталган, ташқариси саккиз қиррали, аммо ичкарисидан олти қиррали икки қаватли Навоий қурдирган дам олиш ва мушоира ўтказадиган чиройли ихчам бино.

**6. МАЗОРИ ШАРИФ ШАҲРИДА ҲАЗРАТ АЛИ ИБН АБИТОЛИБГА МАНСУБ ҚАБР УСТИДАН ҚУРИЛГАН ШУКУҲЛИ ЮКСАК ИККИТА КАТТА ВА БАЛАНД ГУМБАЗЛИ ОБИДА (РАВЗАИ ШАРИФ)**. Ушбу азим бино Султон Ҳусайн Бойқаро буйруғи асосида қурилиб, ўз чиройи ва азамати, нақшинкор деворлари, пештоқлари билан 500 йилдан буён миллион-миллион инсонлар зиёратгоҳи бўлиб келмоқда. Ҳозирча Равзаи шариф тарихий обидаси Афғонистон шимоли қуролли кучлари олий кенгашининг қўмондони «Миллий исломий, жунбиш» ташкилотининг раҳбари, армия генерали Абдурашид Дўстим соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигини ҳурмат билан кутиб олиш мақсадида таъмирланиб, унинг атрофи чиройли парклар, фавворалар, хиёбонлар ва гуллар билан безатилмоқда. Равзанинг атрофидаги майдонда мармар тошлар ёткизилиб, гумбазларнинг ичи ва деворларидаги нақшлар бутунлай тикланган.



«Равзаи шариф» обидаси

**7. САРПУЛ ШАҲРИДА САРПУЛ ДАРЁСИ УСТИДАН ҚУРИЛИБ, ШАҲАРНИНГ ШАРҚИЙ ВА ҒАРБИЙ ТОМОНЛАРИНИ БИР-БИРИГА БОҒЛАБ ТУРГАН АЛИШЕР НАВОИЙ ТОМОНИДАН ҚУРДИРИЛГАН КАТТА КЎПРИК.**

Шунингдек, темурийлар сулоласи ва улар асос солган маданиятнинг давомчиси бўлмиш бобурийлар томонидан ҳам Афғонистонда жуда кўп ёдгорликлар қурдирилган. Биз улардан қуйидагиларни қисқа шаклда таништириб ўтамиз.

**БОБУРШОҲ БОҒИ.** Қобул шаҳрининг «Шердарвоза» тоғи ғарбий этагида баландликда қурилган Бобуршоҳ боғи ва ҳарамсаройидан туриб Қобул шаҳрининг ғарбий томонлари, ҳатто Пағмон тоғларигача кўриш мумкин. Қобул аҳолисининг энг ёқимли сайлгоҳ ва дам олиш жойларидан бири бўлмиш мазкур боғ, фавворалар, ҳовузлар, мартабали боғчалар билан безатилган, унинг атрофи юксак қалин девор билан ўралган. Бобур ва унинг оила аъзоларидан ўғли Мирзо Ҳиндол, Ҳумоюннинг ўғли Мирзо Ҳакимхон, Мирзо Ҳиндолнинг қизи — Жалолиддин Акбарнинг хоними Руқия Султон бегим, иккинчи Оламгирнинг қизи Навоб Гавҳарнисо бегимларнинг қабрлари мавжуд бўлиб, ҳар бири устида безатилган чиройли тош лавҳалар ўрнатилган. Масалан, 1016 ҳижрий йили Жалолуддин Акбарнинг ўғли Жаҳонгир томонидан ўрнатилган 1,5 метр баландликдаги мармар тошнинг бир томонида ниҳоят чиройли хат билан тўрт байтлик бир шеър ёзилган. Унинг матлаъи шундай:

**Подшоҳий каз жабиинаш тофтий нури илоҳ,**
**Он Заҳируддин Муҳаммад бўд Бобур подшоҳ.**

Шунингдек, Бобуршоҳ боғида Шоҳжаҳон томонидан унинг ҳарбий ғалабаси муносабати билан оқ мармар тошларидан қурилган чиройли масжид диққатни ўзига тортиб туради. Масжиднинг барча томонлари тагидан тепасигача бир хил нафис оқ мармар тошдан қурилган бўлиб, унинг шарқий пештоқида ниҳоят гўзал насх ва настаълиқ хати билан унинг қурилиши ҳақида маълумотлар ёзилган. Масжид Арғувон гули шохлари билан иҳота қилинган бўлиб, қаршисида катта чинор дарахтлари соя солиб туради.

**«ҚОБУЛ АРКИ» ё «БОЛОҲИСОР».** Қадим даврлардан қолган ушбу тарихий баланд қўрғонни Бобур ва унинг авлодлари Мирзо Комрон ва Жаҳонгир қайтадан қуриб, лойдан ясалган бинолари ўрнида тош ва пишиқ ғиштлардан иморатлар барпо қилганлар. Балоҳисор Бобур салтанати арки ва қароргоҳи бўлган, унинг учун Бобуршоҳ боғининг ёнидан ўтказилиб узоқ тоғлардан сув олиб келинган. Қобул арки жуда муносиб, баланд жойда қурилган бўлиб, унинг ҳақида кўп шеърлар ёзилган. Жумладан, шоир Мулло Муҳаммад Толиб Муаммоий Бадиуззамон Мирзога атаб қуйидаги байтни ёзган:

**Бихур дар Арки Кобул май, бигардон коса пай-дарпай,**
**Ки ҳам кўҳасту ҳам дарё у ҳам, шаҳрасту ҳам саҳро.**

(Мазмуни: Қобул аркида май ичиб, қадаҳларни кетма-кет айлантир. Чунки бу жой ҳам тоғу ҳам дарё, айни ҳолда ҳам шаҳару ҳам саҳродир).

Қобул шаҳри ва унинг атрофида Бобур ва унинг авлодлари қурдирган боғлар: Чаҳорбоғ, Боғи жиловхона, Ўртабоғ (Боғи маҳтаб), Боғи Оҳухона, Боғи сурат, Боғи шаҳроро, Боғи жаҳоноро. Охирги икки боғ қурилгандан кейин, Бобур буйруғига биноан, Шаҳроро боғи давлат холиса мулкига айлантирилиб, Жаҳоноро боғи Навоб Малика Даврон бегимга бағишланган.

Жаҳонгир Мирзо буваси Бобурдек Кобулни кўп севарди. «Тузуки Жаҳонгирий»да ёзишича, у Бобур қурдирган боғларни кенгайтириб, ўзгартиради ва безатади. Ўртабоғ Кобул шаҳри яқинида жуда чиройли жой бўлиб, Ҳумоюн Кобулга келганида ўз ўғли Жалолуддин Акбарнинг суннат тўйини ушбу боғда тантанали маросим билан ўтказади.

Бобурийлар даврида Кобул шаҳри ниҳоят кўркам ва маъмур бўлиб, ўзининг шукуҳли иморатлари ва чиройли боғлари билан машҳур эди. «Шаҳроро» ва «Жаҳоноро» боғларида қурдирилган нафис иморатлар шариллаб оқиб турган шаршаралар, юздан ортиқ фавворалар, безатилган хиёбонлар, рухом ва мармар тошларидан ишланган шосуфалар ва рухом устунлар, меҳроб шаклида қурилган токчалар, зулол сув тўла мармар ҳовузлар, юксак чинор дарахтлари соя солиб турган ва турли-туман гуллар билан безатилган яшил чаманлар, тунлари кофурий шамлар билан ёритиладиган айвонлар ва шабистонлар, ҳар бир кишини завқлантирарди.

«Шердарвоза» тоғи узра тошдан йўнилиб ясалган «Тахти Бобур» ва унинг қаршисида йўндирилиб, 1076 ҳ. йили тамомланган «Тахти Жаҳонгир». Ушбу тахтда қуйидаги иборалар ёзилган эди: етти иқлим мамлакатлари подшоҳи Нуруддин Жаҳонгир подшоҳ ибн Жалолуддин Акбаршоҳнинг тахт ўрни.

Шоҳжаҳон даврида Кобул ҳокими Алимардонхон томонидан қурдирилган, чорсуси катта гумбаз билан қопланган Кобул шаҳрининг усти ёпиқ марказий бозори. «Чорчата» деб номланган ушбу ажойиб тарихий бозор, барча расталари билан шаҳарни қайта қуриш пайтида бузиб ташланди.

Аврангзеб қурдирган «Шўрбозор» ва «Гудрий» масжидлари.

Шоҳжаҳон «Исталиф» туманида малика Мумтозмаҳал учун қурдирган «Исталиф боғи. Мазкур боғ Исталиф дарёси ёқасида қурилган бўлиб, «Жаҳоннамо» деб аталган эди. «Жаҳоннамо» боғи баланд чинор дарахтлари, зилол сувлари, турли-туман гуллари билан ҳар доим одамларни ўзига жалб этиб турарди. Охирги вақтлар, қонли урушлар туфайли унинг тақдири қандай бўлгани биз учун маълум эмас.

Шунингдек, бобурийлар Афғонистон шарқий вилоятларида «Боғи Сафо» ва «Боғи вафо» каби ниҳоят чиройли ва ёқимли боғлар қурдирганлар.

**«ЧИҲИЛЗИНА».** Бобур буйруғига биноан 9 йил давомида 80 та сангтарош усталар, ҳозирги Қандаҳор шаҳрининг ғарбий томонида «Сарпўза» тоғининг тепасида, тошларни йўниб қирқ зиналик ушбу ёдгорликни яратганлар. Мирзо Комрон, Мирзо Аскарий ва Мирзо Ҳиндол, Бобурнинг ўғиллари 930 ҳ. йилдан 953 йилгача уни безатишга уриниб, унда китобалар ёздириб қолдирганлар. Улардан кейин «Баҳкар» сангтарошлари орқали тўрт йил давомида тошлар орасида Ҳумоюн ва Акбар номига йўнилган китобаларда, Жалолуддин Акбаршоҳ буюк империясининг барча шаҳар ва вилоятлари номи ёзилган.

«Чиҳилзина» тоқи жуда муносиб жойда қурилиб, ундан туриб Қандаҳор шаҳрининг ғарб томонидаги «Арғондоб» дарёсигача туташган манзараларни томоша қилиш мумкин. Шу ерда масжид ва мазорлар ҳам қурдирилган.

Бобурийлар даврида, машҳур шоир Шавкат Бухорий Кобулдан Ҳиндистонга ўтганда, унинг ёқимли манзаралари ва чиройли иморатларидан завқланиб, бундай деб ёзган эди:

**Шаҳру саҳрояш бувад як гулситону ҳусняез,**
**Баҳри сайри Ҳинд агар Шавкат ва Кобул бигзарад.**

(Мазмуни: Шавкат Ҳиндистон сафари ниятида Қобулдан ўтмоқчи бўлганда, унинг шаҳар ва далалари бир гулистон каби чиройлик манбаи бўлиб кўзга ташланади).

Шунингдек, табризлик буюк шоир (Соиб Табризий) Шоҳжаҳон даврида тўрт йил Қобулда истиқомат қилиб, унинг гўзаллиги ва ободончилиги ҳақида катта бир қасида ёзиб қолдирган. Унинг матлаи қуйидагидек:

**Хушо ишратсаройи Кобулу дамони кўҳсораш,**
**Ки ноҳун бар дили гул мезонад мижгони ҳар хираш.**

(Мазмуни: Ишрат саройи бўлмиш Кобул ва унинг тоғ этаклари нақадар ёқимлидир. Унда ҳар бир тиконнинг киприги, гуллар юрагини тирнаб туради, яъни унинг тиконлари шу қадар чиройликим, гулларни рашк ўтида куйдиради).

Шундай қилиб, барча туркий сулолалар ва ўзбек шоҳлари Афғонистонни ободонлаштиришда, у ерда маданият ва маънавиятни ривожлантиришда ўзларидан унутилмас ҳисса қўшиб келиб, барҳаёт ёдгорликлар қолдирганлар. Туркий сулолалар, айниқса, темурийлар яратган маданият, Афғонистон тарихи ва маданиятининг ажралмас шарафли қисми ҳисобланади.

**Абдулҳаким Шаръий ЖУЗЖОНИЙ**

